

СИЛОС ВОСИМИ — СУТ ОҚИМИ!

ЛЮБА ЛИ
МАКТАБИ

МУНОСИБ ШОГИРДЛАР

Ана маккажўхори, мана маккажўхори. Иш деган шундай бўптида, Люба Ли ва унинг издошлари даласида бўлганга кўна буй чўзган маккажўхори полларини кўриб қойил қоласиз. Мен улар ҳақида янгида мактов гапларни айтмоқчи эдим-у, лекин ўзимни тўхтатиб турай. Яхшики, бу ҳақда биринчи бўлиб Американинг деҳқончилик министри Орни Фримэн ва Америка Қўшма Штатларининг йирик мутахассислари ўз фикрларини айтиб қолди. Чунки улар яқинда Ўзбекистоннинг колхозларига бўлишди.

Денгиз ортидан келган жаноблар яерини хоҳласалар, ўша ерга боришди. Кўнгиллари туссаган жойларни кўриб-томоша қилишди. Улар албатта маккажўхориорларда ҳам бўлиб, деҳқонларимизнинг меҳнати натижаларини аўр қиқчи билан кузатишди. Жўхори полларининг бўйини ўлчаб, сўталарини очиб, қайириб кўришди.

«Мана бу сўтаннинг донини қара, худди олтиннинг ўзи!».

«Поясининг бўйи 4 метрга етиб қолди!».

— О, кэй! — хитоб қилди министр.

— О, кэй! — ҳайрон бўлиб деди Америка бўйича илмий-текширув хизматининг раҳбари доктор В. Шоу.

— О, кэй! — бадавонга овоз чиқариб қойил қолганликларини билдиришди, денгиз оша келган олимлар. Шундан кейин меҳмонлар: «Бундай баҳодир ҳосилини ким етиштирди?» деб сўрашди. «Қизил Ўзбекистон» ноҳазининг ўртоқ Баҳром Юсуфжонов бошлиқ бригадаси маҳсули бу» деб жавоб беришди уларга. Катта блокнотда биринчи ўзбек фамилияси пайдо бўлди.

Министр катта мансабдаги одам. Фамилияларини сурштирди-ю, лекин маккажўхори поллари атрофида суратга тушишга келганда жуда эҳтиёткорлик қилди. Сурат бу ҳужжат-да! Мабодро у ўз ватанига бортанида бизнинг маккажўхориорларимиз тўғрисида ҳикоя қилиб беришга лозим деб топмаса, у ҳолда уни «Қизил пропаганда»да айбаш қийин бўлади-да.

Америкаликлар ўзбеклар етиштирган аjoyиб маккажўхори ҳосилини кўриб ҳайрон қолган экан, улар бу ўсимлиқни етиштириш агротехникасининг фақатгина нозик томонлари билан қизиқишган экан, нима ҳам дердик. Келинг, яхшики маккажўхори етиштириш усталарини эришгаётган муваффақиятлари билан ўзимиз таъриқлаб қўялолайлик.

Ҳақиқатан ҳам Баҳром Юсуфжонов бригадасида аjoyиб маккажўхори етиштирилди. Лекин Люба Лилининг жуда кўп издошлари етиштирган ҳосил Юсуфжонов бригадасида етиштирилган ҳосилдан ҳам яхши деб айтасиз. У ҳафа бўлмас деб ўйлаймиз. Кейинги кунларда мен минглаб километр йўл босиб, жуда кўп колхозлар ва совхозларнинг далаларида бўлдим. Дадил айтишим керакки, Люба Лилининг таърибаси ҳақиқатан ҳам катта мактаб бўлибди. Унинг шогирдлари ҳақиқатан ҳам мўл ҳосил етиштириш усталаридир.

Янгийўлдаги Калинин номи колхоз аъзоси қора сочли қиз Роза Отабоева ана шу мактабни биринчи бўлиб ўтаганлардан. Бурноғи йили у кишлоқ хўжалик техникумини тугатди. Жонажон кишлоғига қайтача, трактор-далачилик бригадасида ҳисобчи бўлиб ишла бошлади.

— Апронолик касбини билатуриб, ҳисобчи бўлгани нимаси?! — дейишди одамлар ҳайрон бўлиб:

— Ҳеч қис йўқ. Аввал унча-мунча кўзимни пиштириб олай, — деб жавоб берди қиз. Розанинг ҳисобчилиги кўпга чўзилмади. Икки ойда-кейин у праваленига келиб, мен «Политотдел» колхозига Люба Лилининг таърибасини ўрганишга бормоқчиман, деб айтди. Люба Ли бўйи икки қаватли иморатга етишган маккажўхори етиштирибди! У бунга қандай эришган, Унинг таърибасини ўргана-ман.

Айтганини қилди қиз. Колхозга бориб илгор таърибларини ўрганиб, анча билимдон бўлди. Мана икки йилдирки, у тўғрисида яхши гапларни эшитаялсиз. Ўтган йили Роза Отабоева участкасидан етти минг тоннадан ортиқ кўпоя олинди. Ҳазилакам ҳосил эмас бу. Бу ҳосил атиги 40 гектар майдондан йиғиб олинди.

Бу йил ҳам маккажўхори ҳосили кўзни қувонтиради-ган бўлди. Дала орасангиз худди ўрмонзорга кириб қолдим дейсиз. Ҳар бир сўтасининг оғирлиги бир килограмм, ҳатто ундан ҳам оғир келади. Аллақачоноқ маккажўхорини ўриш ва силос бостириш бошлаб юборилган. Механизаторлар ҳатто баҳорда дўл уриб кетган майдонлардан ҳам 1300 центнердан кўпоя ўриб олмақдалар. Роза Отабоева бригадаси ҳамкорликда қўзни-кўлга бериб ишламоқда. Унинг бригадасида ўзбеклар ҳам, тожиклар ҳам, татарлар ҳам бор. Ҳаммаси бири-бири билан дўст-биярлар. Уларнинг ҳаммаси бир мақсад йўлида, гектаридан мумкин қадар кўпроқ ҳосил топириш йўлида жон куйдиришапти. Баҳорда бригада далаларини дўл уриб кетганда унинг ҳар бир аъзоси куйиб-пишди, каттадан-кичикнинг ҳар бири ётаг орабди, ола ерларни, нобуд бўлган қўчаларни аниқлаб, қайта экишди. Июнь ойида нўхат ўриб олинган, бригада бу майдонларни ҳайдаб, унинг ўрнига маккажўхори экиди. Кузга бориб бу иккинчи ҳосил ҳам пишиб еталади.

Роза Отабоева ёш ва гайратли қиз, у тоғни урса тал-қон қилади... «Назарбек» совхозининг звено бошлиғи Турсун Жонгўраевани айтмайсизми, у бунчалик гайратни қаердан олдикин?

— Турсун опа ёшингиз нечада?

— Эллик туққизга етиб қолди ўғлим, — деб жавоб беради-ю, у кейин яна, — аёлларга бундай деб савол бериш яхши эмас-ку, — деб гинахонлик ҳам қилиб қўяди.

— Сиз Люба Лили танийсизми, унинг мактабига ўқи-ганмисиз?

— Йўқ, мен «Политотдел» колхозига бўлмаганман. Мана у ҳақда агрономимиз айтиб берган. Биз ишни ўша-ларнинг таърибаси асосида йўлга қўйдик. Энг муҳими маккажўхориға меҳр қўйиб ўсимининг туғишган фарзан-димиздек ардоқлаб ўстирдик. Бу аёлнинг юз-қўзларидан

ўт қаинаб турибди. Унинг зеносида тракторчи Мустафо Эмиралиев бор. Уни Турсун опа ўзининг биринчи ёрдам-чиси деб ҳисоблайди ва ўз ўғлидек яхши кўради. Шунинг учун ҳам дам олиш пайтида овқатланишганда кўп-инча ўзининг қосасига тушган гўштлардан бир қисmini Мустафониң қосасига ташайди. Нима ҳам бўлдию, бир кун иккинчи култивация вақтида Мустафо қатор ораларини белгиланган кенгликда ва чуқурликда юмшат-матанини сезиб қолди. Унинг бу ишини кўрди-ю, ранги оқариб, жаҳли чиқиб кетди.

— Эҳ, сани қара-ю, шу ҳам иш бўлдики! Ахир сани жонни қойдирсангиз! Тагин Любадан ўзиб кетамиз деб мактанасан-а. Сенга айтдим-ку, қатор ораларини кенгли-ги 45 сантиметр, чуқурлиги 16 сантиметр юмшатилиши керак деб. Сен бўсанг анча қамайтириб юборибсан. Хўнақўрсинга шунчаки ишлаган экансан-да? Дарҳол орқанга қайт. Бошқадан тракторининг қандай қамчили-гини тузат, ортинча сарф бўлган меҳнат харажати ўзининг бўйинига. — деди у.

Шу кунни хуб бўлиб юрди Турсун опа, лекин бари-бир эртасига яна опоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

Шунинг айтиш керакики, Турсун опа Жонгўраева звено-си анча оғир ерларда деҳқончилик қилишди. Бироқ шунга қарамай, ўсимлиқни меҳр билан парвариш қилиб, яхши ҳосил етиштирилди. Мана ҳозирги кунда Ҳаким, Нортжон ўз қомбани билан ҳосилини йиғиб олмақда. Ҳар гектаридан 800 центнердан кўпоя! Ҳар бир центнерда 20 килограммдан думбул сўтаси бор.

Раҳмат сизга Турсун опа. Сизнинг звеноингиз биринчи йилгидея яхши меҳнат намунасини кўрсатди. Келгуси йили бундан ҳам юқори кўрсаткичга эриштирилганга ишонамиз. «Назарбек» совхозининг «Октябрь» колхозининг ер-лари тугатиб кетган. Шу колхознинг ерларига шомол экинидея тебраниб кўзни қамаштирадиган маккажўхори-зор бор. Комплекс бригада бошлиғи Суннат Сиддиқов ўз

Ҳозир қайси колхоз ва совхозга борманг макка-жўхориға ихлос қўйиб меҳнат қилаётган, мўл ҳосил олаётган миришкорларни учратасиз. Чиндан ҳам шун-дай. Илгари Любовь Ли издошлари бармоқ билан саварли бўлса, ҳозирги кунда областда уларнинг сони 79га етди. Шуниси қувончилики, бу бригада ва звеноларнинг деярли ҳаммасида ҳам маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирилди. Улар шу кунларда силос бостиришни қизғин давом эттирмақдалар.

ишдан мамнун. У маккажўхориор оралар экан, қўлини узатса ҳам, пояни бўлалар олмайдди. Бакуват, камгап бу бригадир ҳатто ўзи етиштирган маккажўхорини кўриб, қўзларига ишонамиди.

— Мен қарияларни айтиб келай, улар ўз қўзлари билан кўришсин. Умрларида бундай маккажўхори етиш-тирилганлигини аслай олишмасея керак, — дейди у. Сид-диқов бригадасида ишлар чорвачилик ишлари билан му-вофиқлаштириб олиб борилади. Бригадага 70 гектар ер ажратиб берилган. Эрта баҳорда ана шу майдоннинг ар-мисига маккажўхори экишди, қолган участкаларга эса лавлаги, картошка, беда, экинди. Ҳар бир тул ўсимлик меҳр билан парвариш қилинди, ёмон бўлмади. Маккажў-хоридан қўтиландан ҳам ортиқ ҳосил етиштирилди. Зве-но бошлиғи Тожиной Зокиров кеча маккажўхориға сўнг-ги сўни қўйди. Бир неча кундан сўнг бу майдонларда ҳам қомбай ишлаш бошлайди. Қомбайи шунчалик бўйдор маккажўхори полларини қандай ўриб оларкин, қўйиб бўлмасиники? Бригадининг саври тоқати чидамасдан қўл билан намунага ўриб кўришди.

— Натижа қандай бўлди? — сўраймиз Суннатдан.

— Минг центнерга етди, хурсанд бўлиб жавоб бе-ради у.

Ҳеч шубҳа йўқки, бу бригада ўз фермасини етарли миқдорда ширали ва концентрат озуқалар билан таъмин-лайди.

Ўрта Чирчиқдаги Свердлов номи колхозда ҳам Люба Лилининг аjoyиб издоши бор. Ўтган йили бу ерда макка-жўхорининг бўйи 5-6 метрга етди. Мутахассислар ҳар гектар ерда ҳар қачонгидан мўл кўпоя ўстирилибди деб аниқлашди. Низом Исмолов бошлиқ бригадада бу йил ҳам ҳосил чакки бўлгани йўқ.

Люба Лилининг ҳамма издошлари тўғрисида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Уларни ҳар бир колхоз ва сов-хозда учратасиз. Янгийўлдаги «Ленинизм» колхозига ҳар гектар ердан минг центнердан кўпоя йиғиб олинмоқда. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов, бригадир Исмоил Иноғомов, звено бошлиғи Маъ-фират Орипова ва Нортжон Муҳиддинов ўртоқлар макка-жўхори легалда жон фидо қилиб меҳнат қилишди.

«XXI партсъезд» совхозининг Рашида Ҳожижаева бригадаси ўрмини бошлашдан олдин Люба Лилининг ёрдам-чиси Ли Ден-Хонки ўзларига таклиф қилишди. Дўстлар етиштирган ҳосили қандай қилиб тез ва нобуд қилмас-дан йиғиштириб олиш тўғрисида маслаҳатлашдилар. «По-литотдел» колхозидан келган меҳмон кўпгина фойдали маслаҳатлар берди. Ҳаммаки Корсаева звеноси эса мак-кажўхори ўриш ва силос бостириш тугаллади. Ҳар гек-таридан 1100 центнердан кўпоя олинди. Думбул сўтала-ри алоҳида териб олинди ва Тошкент ошхоналари ва мағазинларига топширилди. «Ленинград» колхозидан Мас-тура Норимова, Ахрор Ҳасанбоев, «III Интернационал» колхозидан Ҳалима Эргашева, Жданов номи колхоздан Паффа Касиевалар ҳақида, умуман Тошкент областдаги 79 маккажўхори бригадаси ва звеноси ҳақида Люба Ли-нинг муносиб шогирдларининг меҳнати ва ҳаёти ҳақида ҳар қанча гапларни айтса бўлади-ку, лекин уларни ёзиб тутатиш анча қийин-да...

Люба Лилининг бу йилги ишлари қандай, унинг брига-дасида қандай янгилик бор? Идорада областдан келган вакил билан учрашиб қолдик.

— Ишингиз ўнгидан келмабди, — деди у, — Люба Ли ҳозир ўзaro текшириш бригадаси билан Озарбайжонда юрибди. Тимофей Григорьевич Ҳван бўлса отпуснада.

— Ҳеч қис йўқ, — деб тапга аралашди колхоз идо-расида юрган қария, — далага бориңг, ўша ердаги иш-нинг ўзи сизга бригадир ҳақида, ране ҳақида гапириб беради.

Далага бордик. Жуда баҳодирона ҳосил етиштирибди Люба Ли бригадаси. Қомбайи ишлаб турибди. Маккажўхо-ри поллари шунчалик ўсиб кетганди, қомбайи унинг ичи-да йўқ бўлиб кетгандек, у пояни аўрга ўриб улғирмоқда. Биз машинага яқинлашамиз, маълум бўлдики, у одатдаги қомбайилардан эмас экан. Диққат билан назар ташлаб, «ИСР-2» маркисини ўқиймиз, номери 26. Янгилик бу. Ян-гилик бўлганда ҳам маккажўхориорларнинг жонига оро кўрадиган янгилик. Уни ишлатиш анча енгил, иш унуми ҳам юқори. Иккинчидан, қомбайини киши эмас, бир тра-кторининг ўзи бошқаради, учинчидан шунки, у ҳар қанча баланд бўйли маккажўхори поясини ҳам ўриб олади. Бу-ни колхоз механизаторларининг ўзи шароитни ҳисобга олиб, мослаштириб олганлар.

Маккажўхори эмас, ўрмонзор дейсиз қараб туриб. Ҳар бир пояда никтадан мўйловдор сўта бор. Ҳар бир поя-нинг ўртача оғирлиги 4 килограмм. Биронта ҳам бегона ўт йўқ далада. Қатор оралари худди виставатга қўйиб қўйилгандек топ-тоза.

— Силосни колхознинг 425 бош ситғири боқиланди-ган марказий сўт фермаси ёнида бостирмақдалар. Эрта тонг-дан то кечгача бу ерда маккажўхорининг майдаланган полларини ортан машина келиб туради. Ҳар бир маши-на тўрттиб қўрилган ревизия комиссиясининг навбатчи-лик қилаётган аъзоси ҳисоб дафтарига янги рақамни ёзиб қўяди. Михаил Ким бир кунда 20 бор қатнаб, 600 центнер силос поясини ташиб кетирибди. Алек-сей Пой бўлса, 700 центнер та-шибди. Олти кун давомида Люба Ли бригадаси барча ҳосилини силос учун ўриб бўлди. Бригадининг ёр-дамчиси Ли Ден-Хон ҳисоблаб чиқ-ди: ҳар гектар ердан 1650 цент-нердан маккажўхори кўпояси йи-ғиб олинди.

Шу билан Люба Ли мактаби тўғ-рисидаги ҳикоямизни тўхтатиш, тугаллаш мумкин эди. Бироқ ҳам-ма гаплар айтилмади-да...

Ҳа, маккажўхори чорваннинг тў-ғилини озуқаси. Ҳар қанча меҳр қўйиб ўстирангиз меҳнатингиз зое кетмайди. Энди ҳамма тап ана шу меҳр қўйиб ўстирилган ҳосилини сўғити поя, сўғити сўтасигача но-буд қилмай йиғиб олишимизда қол-ди. Бироқ шунинг айтиш керакки, Тошкент областининг колхоз ва сов-

хозларида силос қомбайилари, транспортлар бунинг устига уюшқонлик етишмайди. Шу кунларда колхоз ва совхоз-ларда бўлсангиз, ҳосил нобуд бўлаётганлигини, яъне ма-шарқатлар билан ўстирилган кўпоялар кўриб қолмаган-лигини ҳам кўрасиз. Лекин ишлаб чиқариш бошқарма-лари, област кишлоқ хўжалик органлари бу камчилиқни тугатишга астойдил ёрдам бермаётганликлари кишини ҳайратга қолдиради.

Ўрта Чирчиқдаги «Полярная звезда» колхозидан ми-сол келтирамиз. Бу колхоз ўзининг ҳосили ва даромади билан бутун Ўзбекистонга донг таратган. Бу йил колхозда ўтган йилгидея маккажўхоридан яхши ҳосил етиштирил-ди. Цой Александр бригадаси маккажўхориори бутзор-ларини етлатди. Тошкентдан деярли ҳамма фотомужбирлар келиб, унинг расмини олиб кетди деб айтсак, муболага бўлмайди.

Цой бригадаси бундан икки ҳафта илгари ўрмини бош-лаган, ўшанда ҳам қомбайи яхши ишламасди. Дастлабки ҳосил қувончари, ҳар гектаридан 1150 центнерданга тўғ-ри келади. Лекин қомбайи етишмаслиги тугалли сурат паст бўлди. Ўсимлик қўш нуруларга тоб берайми сўлиб кўриб қолмоқда. Бир ҳафтадан кейин ўша минг центнер-дан ошириб поя ўриб олинган ерлардан атиги 900 цент-нердан, ҳозирги кунда эса 800 центнердан кўпоя ўри-лмоқда. Бригадир: ҳаммаси бўлиб ўзиники кунлик иш қол-ди, агар техникадан ёрдам беришмасея олинандиган кўпоя икки баравар қамайиб кетарди, деб айтди.

Маъшғал колхозда аҳвол шундай бўлгандан кейин бош-қа ўрта ҳол колхозларда қандай ҳол бўй берилишни тасав-вур қилиш қийин эмас.

Тошкент областида силос қомбайилари унчалик кўп эмас. Бироқ шунга қарамай борларининг ҳаммаси ишга туширилмаган. Ҳатто «ИСР-2» маркисли янги агрегатлар ҳам бекор турибди. Шу жумладан «Полярная звезда» колхозига ҳам бундай агрегат ишлатилмапти. «Политот-дел» колхозига бундай машиналарнинг бекор туриб қоли-шига сира ҳам йўл қўйилмапти, бошқа баъзибир хўжалик-ларда эса бу машиналарга қандай муносабатда бўлишни яхши билишмайди. Инженерлар қайда? Шуниси ажабла-нарликки, ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳам, «Узсель-хозтехника» район бirlашмасининг мутахассислари ҳам шу кунларда маккажўхориорларга етарли техника ёрда-ми кўрсатилмапти.

Ҳамма колхоз ва совхозларда ҳам маккажўхори поя-сини ҳисобга олиш ва сақлаш намунали йўлга қўйилган деб бўлмайди. «Политотдел» колхозига маккажўхорини си-лос учун ўрибйиғиб олишга барча мавжуд воситалардан фойдаландилар. Ана шунинг ўзи Люба Лилининг мактаби эмасми? «Политотдел» колхозига маккажўхорини ўриш ва ташини вақтида сира ҳам нобудгарчилигини йўл қўй-мади. Бу ҳам Люба Ли мактабининг ўзгача эмасми?

«Политотдел» колхозига маккажўхорини силос учун ўриш олти кунда тугалланди. Ана шунинг ўзи Люба Ли мактаби демакдир.

Ҳамма ерда, ҳаммавақт ишни ана шундай йўлга қў-йиш керак. Барча ҳосилини сира нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш муҳим бурнимиз!

А. УЗБЕЛИСКИН,
«Сельская жизнь» газетасининг муҳбири.



Янгийўл бошқармасидаги Калинин номи колхозининг ўртоқ Роза Отабоева бошлиқ маккажўхориор бригадасида шу кунларда иш қизғин. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 1300 центнердан маккажўхори пояси ўриб олмақдалар. Суратда: (ўнгдан) Роза Отабоева силос учун қирқиб майдаланган маккажўхори полларини кўздан кечирмоқда. Мана бу чапдаги сурат Любовь Ли-нинг бригадасида олиingan. Кўк ка буй чўзган маккажўхори полларини бузудга келтиргуча озмунча меҳнат қилишмади ми-ришкорлар. Бригада силос бости рининг тез ва сифатли ўтказиб бу ишни биринчилар қатори тугаллади. Суратда: Любовь Ли макка-жўхориорда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 9 АВГУСТ, 1963 ЙИЛ.

